

Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / 277-ҳадис

277 - عَنْ رَافِعِ بْنِ خَدِيجٍ قَالَ: كُنَّا أَكْثَرَ الْأَنْصَارِ حَقْلًا، قَالَ: كُنَّا نُكْرِي الْأَرْضَ عَلَى أَنَّ لَنَا هَذِهِ، وَهُمْ هَذِهِ، فَرُبَّمَا أُخْرِجَتْ هَذِهِ، وَلَمْ نُخْرَجْ هَذِهِ، فَتَهَانَا عَنْ ذَلِكَ، وَأَمَّا الْوَرِقُ فَلَمْ يَنْهَنَا.

[خ 2286، م 1547، ت 1224، س 3862، د 3389، جه 2449].

Рофеъ ибн Хадиж розияллоху анху айтади:

«Ансорлар орасида экинзори энг кўплар биз эдик. Ерни бизга бу ёғи, уларга у ёғи бўлиши шарти билан кирага берардик. (Ҳосил) баъзан бу ёғида чиқиб, у ёғида чиқмай қоларди. У зот шундан бизни қайтардилар. Кумуш эвазига бўлса, қайтармаганлар».

Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насаий, Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилишган.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVAIDLARI